

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

TOSHKENT DAVLAT AGRAR
UNIVERSITETI

TASHKENT STATE AGRARIAN
UNIVERSITY

BUYRUQ

ORDER

100140 TOSHKENT-140

100140 TASHKENT-140

14.05.18ч № 1-9-6/303

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сонли қарори
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланишини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланишини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўқув ишлари бўйича проректор С.Исламовга, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Адиловга, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори А.Маматкуловга, Ўқув-услубий бошқармаси бошлиги М.Атабаевга, Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиги Н.Юлдашевга, кафедра мудирига:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланишини устидан назорат қилиш инспекциясининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилишини таъминлаш;

20 кун муддатда ўқитишнинг интерфаол ва инновацион усулларини қўллашни, синов лабораторияларида, қайта ишлаш корхоналарида (заводларда) ва бошқа объектларда ўқув машғулоти ўтказишни назарда тутган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш учун аудиториялар ажратилиши ҳамда жиҳозланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлари бўйича проректор С.Исламов зиммасига юклатилсин.

РЕКТОР

Б.СУЛАЙМОНОВ